

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

«Химояга рухсат этилсин»

Факультет декани

_____ **ф.ф.д., проф. И.Ж.Юлдашев**

2013 йил «__» _____

5140600 - Тарих факультети «Тарих» йўналиши 4-курс талабаси

Кадиров Тўлқин Бобохожаевичнинг

**“Ўзбекистоннинг ҳалқаро терроризмга қарши
курашда тутган ўрни”**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: «Тарих» кафедраси
доценти

_____ т.ф.н. Н.Қувватов

Такризчилар:

«Тарих» кафедраси доценти

_____ т.ф.н. Ф.Исматуллаев

Тошкент шаҳар Хамза тумани
170-умумтаълим мактаби тарих фани
ўқитувчиси

_____ Г.Тўпаева

«Химояга тавсия этилсин»

«Тарих» кафедраси мудир

_____ т.ф.н., доц. С.Р.Тўраев

2013 й. «__» _____

ТОШКЕНТ – 2013

Мундарижа

<i>Кириш</i>	3-7	
<u>І БОБ. Глобаллашув шароитида халқаро терроризм: мазмун, моҳияти ва шакллари</u>		
1.1. Президент Ислам Каримов асарларида халқаро терроризм ва унга қарши курашнинг зарурлиги масалалари.....	8-17	
1.2. Халқаро терроризм: мазмун моҳияти ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди.....	18-26	
<u>II БОБ. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши курашдаги ўрни ва роли</u>		
2.1. Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг халқаро терроризмга қарши курашда таъаббуслари.....	27-35	
2.2. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда халқаро ва минтақавий ташилотларда тутган ўрни.....	36-44	
<u>III. БОБ. « Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда тутган ўрни» мавзусидаги бир соатлик дарс ишланма</u>		45-55
<i>Хулоса</i>	56-58	
<i>Глоссарий</i>	59	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	60	
<i>Илова</i>		

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг глобал муаммосига айланган халқаро терроризм кўринишига қарши кураш XXI асрда ҳам долзарблигича қолмоқда. Террорчиликка ихтисослашган трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар фаолият кўламини кенгайтириб, ушбу гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган кўпорувчилик ҳаракатлари тобора ваҳший ва ғайриинсоний тус олмоқда¹. Афсуски, халқаро террорчилик хавфининг ўсиши бегуноҳ инсонлар кўраётган жисмоний ва маънавий зарарнинг ортиб бораётганлигида номоён бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов эътироф этганидек: “халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон халқаро ҳамжамияти олдида турган асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда “совуқ уруш” асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик... жаҳон саҳнасига чиқмоқда.”²

Битирув малакавий иши мамлакатимиз ва жаҳон ҳаётига таҳдид солаётган, бугун ва келажак учун муҳим ва долзарб воқеалик бўлаётган халқаро терроризмнинг турли кўринишлари тўғрисида Ғарб ва МДХ олимларининг фикри, шунингдек, қонунчиликдаги нормаларни таҳлил қилиш орқали халқаро терроризм моҳиятини ёритишга ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ролининг ҳуқуқий асосларини очиқ беришга қаратилган. Халқаро муносабатлар тизимида юз берган жараёнлар нафақат дунё геосиёсий ҳаритасини, балки Марказий Осиёдаги вазиятнинг ҳам тубдан ўзгаришига олиб келди. Мазкур ҳолат минтақада ҳавфсизликни таъминлашни долзарб масалага айлантирди. Бу эса ўз навбатида, минтақавий

¹ Маълум бўлишича, террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган трансмиллий уюшган жиноий гуруҳларнинг сони тахминан 500 тага етиб, улар томонидан бир йилда содир этиладиган террористик хуружларнинг сони 1500 ташкил қилмоқда. Криминолог-олимлар башорат қилишларича, ушбу рақамлар йилига 300 % ошиб боради. Батафсил қarang: Трунов В.Г. Актуальные проблемы борьбы с терроризмом.// Государство и право.- Москва, 2001-№3. Стр-51.

² Каримов. И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз.Т.9.-Т.: Ўзбекистон.2001 –б.105.

хавфсизликни таъминлашга доир замонавий ёндошув ва концептуал қарашларни ишлаб чиқишни ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этмоқда. Зеро, “...хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш—бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим³.

Ўрганилиш даражаси:

Минтақавий хавфсизлик масалалари борасидаги концептуал қарашлар ва унинг назарий – методологик жиҳатлари билан боғлиқ масалалар ҳамда, тадқиқотнинг асоси бўлиб, Президент И.А.Каримов фикрлари, нуфузли халқаро анжуман ва ташкилотлардаги маърузалари ва фундаментал асарлари хизмат қилади⁴.

Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барақарлик шартлари ва кафолатлари” номли фундаментал асарининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг БМТ бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаги нутқида (1993 й. 28 сентябрь), БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида (1995 йил 24 октябрь), “Тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати” мавзусида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида (2006 йил 15 июнь), “Тинчлик учун курашмоқ керак” мавзусида Ўз.А. мухбири билан суҳбатида (2001 йил 10 декабрь), Коллектив хавфсизлик ташкилоти коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида (2010 йил 14 декабрь) ва бошқа асарларида батафсил ёритилган. Биз тадқиқотимизда улардан

³ Каримов. И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: Ўзбекистон.2001 –б.23.

⁴Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, мафкура. – Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996.б-40-44, 50-6; БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. //Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. 47-57б; Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, б-239-259; Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. БМТ нинг эллик йиллик муносабати билан Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқи. 1995 йил 24 октябр// Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т4-Т. Ўзбекистон. 1996.б-56-60; Тинчлик учун курашмоқ керак. Ўз.А. мухбири билан суҳбат. 2001 йил 10 декабр. Т. Ўзбекистон 2002. Б-120-125.

унмумли фойдаланишга ҳаракат қилдик ва бу асарларни фойдаланилган адабиётлар рўйхатида алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида халқаро муносабатларда иштирок этиши, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, тинчликпарвар сиёсати, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига трансмиллий терроризм хавф солаётганлиги халқаро терроризм феномени ва унга қарши курашнинг ҳуқуқий жихатлари илмий асосда ўрганилишига тўртки бўлди. Халқаро терроризмга қарши кураш бўйича давлатлар ҳамкорлигининг муайян жихатлари, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга оид бир қанча монографиялар, рисоалар ва кўплаб мақолалар чоп этилган. Жумладан Р.М.Алимов⁵, Ш.Р.Арифханов⁶, С.Сафаров⁷, Ш.Пахрутдинов⁸, Абдуллажонов О.⁹, Ирисов Б.¹⁰, Саифназаров И., Каримов Т., Мухторов А.¹¹, Обломуродов, Абдуҳолиқов Ж., Боймуродов Ж. Очилдиев А.¹². М.Лафасов, Ғ.Хотамов, А.Умаровлар томонидан 2000 йилда чоп этилган “Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи” китоби ва бошқаларнинг асарлари ва мақолаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу тадқиқотнинг мақсади жаҳонда терроризм хавфи ошиб бораётган шароитда аввало, терроризмнинг моҳияти, мақсади, турлари ва оқибитлари ҳақида, шунингдек терроризмга қарши курашда, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг ташаббуслари, Ўзбекистоннинг минтақавий ташкилотлар ва жаҳонда тутган ўрнини ўрганиш, ҳамда, мавзу бўйича таълим муассаларида дарсни ташкил қилиш учун бир соатлик дарс

⁵Алимов Р.М. Центральная Азия: общенность интересов. Т. Шарк. 2005. Б-464.

⁶Арифханов Ш.Р. Центральное Азия: региональная интеграция и безопасность. Т. 2007, стр-168

⁷Сафаров С. Марказий Осиё кечаётган геосиёсий жараёнлар ва минтақанинг ҳозирги дунё халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни. // халқаро муносабатлар – 2005 -№3. Б-6.

⁸Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.:”Академия”. 2006.Б-160.

⁹Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши Т.2000.

¹⁰Ирисов Б. Дин Ақидапарастлик ва таҳдид» Т. «Маънавият»-2000.

¹¹Мухторов А. Халқимизнинг Ҳамжихатлиги терроризмга қарши кафолатдир».-Т.: «Янги аср авлоди» 2004.

¹²Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т.: «Ўзбекистон» 2004.

ишланмасини ишлаб чиқишни тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, қўйидагиларни битирув малакавий ишининг вазифалари деб белгиладик:

- Ўзбекистоннинг мустақиллигининг дастлабки кунларданок терроризмнинг оқибатлари уни олдини олишга қаратилган чуқур ислохотларни илмий асосларини ўрганиш;
- ХХІ аср бошларида Марказий Осиё ҳудудидаги геополитик ҳолатини ёритиб бериш;
- Минтақадаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни кўрсатиб бериш;
- Президент И.А.Каримов томонидан “Туркистон умумий уйимиз” концепциясининг мазмун ва моҳиятини очиқ бериш;
- Ўзбекистоннинг минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрнини мабалар асосида ёритиш;
- Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли минтақага айлантиришдаги ва Афғонистонда тинчликни таъминлаш борасидаги сайи-ҳаракатларини ёритиб бериш;
- Президент И.А. Каримовнинг дунё ҳамжамиятида тинчликни сақлашдаги ташаббусларини ўрганиш;
- Мамлакатимизда терроризмга қарши курашнинг кенг халқ оммаси ва таълим тизимида дарс сифатида етказишнинг моҳиятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методологик асоси. Тадқиқот билиш жараёнининг амалий-назарий услублари ўзаро боғлиқ бўлган алоқадорликда қўлланилди. Битирув малакавий иши доирасидаги таҳлилларни амалга оширишда ва амалий-назарий хулосаларни қилишда тарихий, мантиқий, қиёсий, тизимли услублардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, мамлакатимизда давлатчиликни барпо этиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши

кураш, давлатимизнинг халқаро мавқеини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш концепциясига доир Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримов фикрлари, нуфузли халқаро анжуман ва ташкилотлардаги маърузалари ва фундаментал асарлари хизмат қилади.

Тадқиқот объекти. Халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси фаолиятининг жаҳондаги ўрни ва ролини тадқиқ этиш ва ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Ўрганилаётган мавзунинг илмий хулосалари, таклиф ва тавсияларини ўрганиб, таҳлил қилиб илмий хулосалар ишлаб ва сабоқ олишдан иборат.

Амалий аҳамияти шундан иборатки, тарих дарсларида, маҳаллий ва жамоат ташкилотларидаги тарғибот ишларида халқаро терроризм ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг фаолиятини аниқ фактлар ва далиллар асосида кўрсатиб бериш билан мавзу бўйича ўқувчиларга самарали таълим бериш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ____ саҳифани ташкил этади.

ИБОБ. Глобаллашув шароитида халқаро терроризм: мазмун, моҳияти ва шакллари

1.1. Президент Ислом Каримов асарларида халқаро терроризм ва унга қарши кураш зарурлигининг ёритилиши

Ўзбекистон давлати истиқлолнинг тарихан қисқа, аммо ғоят сермазмун йиллари давомида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бевосита адолат устиворлигига асосланган эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда ўзбек моделига асос солиндики, бутун дунёда эътироф этилмоқда. Аммо Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғвор мақсадларни амалга оширишга қарама-қарши қўйишга уринишлар бўлганлиги ҳаммамизга аён. Давалат раҳбарининг “...эй ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди” деб огоҳ этар экан, “бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан”¹³ деб хушёрликка ундагани бежиз эмас, албатта. Терроризм ва экстремизм Президентимиз талқинидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳадсиз-ҳудудсиз (экстерриториал) миллат, Ватан ва керак бўлса мафкура билмайдиган ёвуз гуруҳлар тимсолида номоён бўлмоқда¹⁴.

Терроризм бугунги ўзининг энг ташкилий жипслашган даврида ҳам яна ўша эски, унинг учун асосий ниқоб бўлиб келган амалиётга қатъий содиқлигини намоёиш қилмоқда унинг асл мақсади ва социал базасини очиш

¹³ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”.-2001. Б-12.

¹⁴ Жўраев Т. Политология. “Терроризм-инсоният ҳаётига таҳдид” Т.: 2000. Б-183.

ишнинг мураккаблиги, нозиклигининг сабаблари ҳам қолаверса, унга тегишли сиёсий баҳо бериш ҳамда барҳам бериш билан боғлиқ чора тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнининг қийин кечишининг туб сабаблари шунга бориб тақалади. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида жаҳонда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол ҳозирги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бормоқда.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Президент И.А.Каримовнинг қатор илмий назарий ва амалий аҳамиятга молик ғоялари мужассамлашган асарларида халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги масалалар чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилган.

Президент И.Каримов ўз асарида диний экстремизм ва фундаментализм мамлакатимиз учун жиддий хавф эканлиги моҳияти ҳақида сўз юритар экан: “Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми?”¹⁵ деган саволни кундаланг қўяди.

Хавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомад қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?”¹⁶ каби энг долзарб масалалар ҳақида сўз юритади. Тўғрисиини айтиш керак, Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш сиёсатининг моҳиятини ривожланган мамлакатлар ва дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари кечроқ англади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1993 йил 28

¹⁵Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, Б-4.

¹⁶Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, Б-41.

сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида жаҳон ҳамжамиятин Афғонистон муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чақирди. «Толибон» ҳаракатининг диний мутаассиб ва жангарилик фаолияти ҳақидаги ушбу ҳаққоний фикр фақат АҚШдаги 2001 йил 11 сентябр фожеаларидан кейин тан олинди.

XXI асрда Ўзбекистоннинг ялпи хавфсизлигига таҳдидларни таъкидлар экан, ушбу асарда қўйидагиларни мамлакат ва минтақавий хавфсизликнинг энг долзарб масалалари сифатида санаб ўтилади:

1. Минтақавий можаролар.
2. Диний экстремизм ва фундаментализм.
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик.
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.
5. Коррупция ва жинойтчилик.
6. Махаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муносабатлари.

Ушбу асар XXI асрнинг айниқса давлат ва дин муносабатлари, диннинг сиёсийлашуви масалаларига бўлган қарашлари дин ниқоби остида ҳокимият учун кураш олиб бораётган террорчи ташкилотларнинг даъволарини фош этишда улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Энг долзарб мавзулари; минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, этник ва миллатлараро зиддиятлар каби масалалар ҳақида батафсил тушунтириш берилган. Бу каби зиддиятларнинг баъзан хатто икки қутбилиги, Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда бу ходисалар бизга ҳам жиддий ташвиш туғдириши мумкинлиги ҳақида таъкидланади¹⁷. “Диний экстремизм ва фундаментализм бизнинг минтақамиз учун туғдириши мумкин бўлган хавф-хатарларни бевосита таҳлил қилишга киришишдан олдин эътиборни диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик экпнлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, Б-34.

муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигини қаратишни истардим¹⁸” дейди давлат раҳбари.

Инсоният тарихида диний онгининг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, хатто фанатизм (ўта кетган мутаасиблик) сифатида фойдаланилганлиги ҳақида сўз юритиб фанатизмнинг ўзига хос хусусиятлари ва кўринишлари хусусида ҳам тўхталиб ўтади. “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз”¹⁹ деган фикр билдирилади.

Шу ўринда М.Лафасов ҳаммуаллифлигидаги “Экстремизм, терроризм тарихи ва моҳияти” номли асарида таъкидлаганидек: “Энг ачинарлиси шундаки бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга олиб келмоқда”²⁰.

Аслида, дунёдаги асосий динлардан бири бўлган Ислом дини моҳият – эътибори билан адолат мезони сифатида жаҳон динлари орасида алоҳида аҳамият ва қадриятга эга. Қуръони Каримнинг барча оят ва суралари, Ҳадиси шарифларида келтирилган барча манбалар ана шу адолатни бир жиҳатдан асословчи, иккинчи жиҳатдан эса, мусулмонларнинг турмуш тарзини белгиловчи илоҳиёт ҳисобланади, шунингдек, инсоннинг давлатга муносабати, жамиятда, инсонлар орасида вужудга келган муносабатлар, уларнинг қадрият мезонлари фақат бир нарсага, у ҳам бўлса адолатга қаратилган.

Ўзбекистон давлати халқимизнинг ўтмиши билан боғлиқ, бугунги кунда маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айланган ислом дининг сиёсий

¹⁸ Ўша асар Б-35.

¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, Б-44.

²⁰ М.Лафасов, Ю. Мамазоитова “Экстремизм, терроризм тарихи ва моҳияти.Т.: “Турон-Иқбол”. 2001. Б-4.

мақсадларга эришиш воситалари сифатида фойдаланмоқчи бўлган экстремистик, айирмачи ва террорчи жиноятчиларнинг қилмишларини фош этиш, жиноятига яраша жазолаш, қилмиши учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш принциплари асосида бу турдаги жиноятларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди.

Террористик усулларни кенг қўллаган, мамлакат ҳаётини издан чиқариш ва шу орқали давлатни кучсизлантириш йўлини танлаган радикаллар 1992 йил баҳорида ўзларининг ёвуз башарасини яна бир бор намоиш қилиб, расмий ҳокимиятнинг бир неча вакиллариини гаровга олишади. Кейинчалик Тожикистон ва Афғонистон ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган бу кучлар мазкур мамлакатлардаги ҳарбий лагерларда тайёргарликдан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудида ҳам бир қатор террористик жиноятларни содир этди.

Қайд этиш лозимки, Тожикистон ва Афғонистон давлатларида ташкил топиб, террорчиликка ихтисослашган «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жиноий уюшмаси раҳбарлари Т. Йўлдошев ва Ж.Хожиевлар илгари ҳам ислом дини ниқоби остида реакцион ғояларни экспанция қилишга уриниб кўрган. Хусусан, 1991 йил Наманганда оммавий тартибсизликлар уюштирилган. Ўшанда диний ақидапарастлар томонидан эгаллаб олинган собиқ вилоят партия қўмитаси бинотида аста-секин бир неча минг одам тўпланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу бинода маҳаллий аҳоли билан учрашганда сурбетлик билан юртбошидан ислом давлати ташкил этилганини эълон қилиш, барча поғонадаги раҳбарларни мачитларга боришга ҳамда шариат арконларига қатъий риоя қилишга мажбурлаш, мактабларнинг юқори синфларида йигит-қизларни алоҳида-алоҳида ўқитиш, никоҳдан ўтишни фақат шариат асосида расмийлаштириш талаб этилди.

Бу талабларни қўйган «халқ ғалаёни»нинг ташаббусчиси эса жиноятчилардан саналмиш Хаттоб Басаев, Намангоний, Мадаминов сингари террорчиларнинг ҳамтовоғи Тоҳир Юлдошев эди²¹. Можаро Президент И. Каримовнинг довураклиги, адолатлиги ва ақлиги туфайли бир неча соатдан

²¹ Миролимов М. Ўзбекистон халқи Каримовни нега Президент сайлади. Халқ сўзи. 2000.-18-январь.

сўнгги бархам топди. Кейинчалик жиноий кирдикорлари фош этилган, Т. Юлдошев, Ж. Хожиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси чегарасини ноқонуний йўллар билан бузиб, Тожикистон давлатига ўтиб яширинган. Улар сўнгги беш йил давомида дунёдаги ўта хавфли террорчилик ташкилотига айланиб, ҳарбий дала лагерларида тайёргарликдан ўтган бир гуруҳ жангариларни юртимиз ҳудудига норасмий тарзда ўтказиб, 1999 йилнинг 16 феввалида Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатларини амалга оширдилар. Бу жиноий уюшма ўта мураккаб тузилма бўлиб, бир неча давлатлардаги террорчи ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Жиноий тўданинг моддий таъминотини, айниқса, энг замонавий қурол-яроғ, ўқ-дори ва ҳарбий техникалар билан таъминланиши Покистон, Туркия, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлардаги жиноий уюшмалар ўз зиммасига олган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «Хеч қандай диний давъатлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралаштиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз²²», деган фикрини эслатиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Бизга маълумки, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тарихида муҳим ўрин эгаллаган тасаввуф таълимотининг инсонпарварлик, диний бағрикенглик ва адолатпарварлик туйғулари билан йўғрилган ғоялар ҳам диний мутаассиблик, динлараро ва мазҳаблараро адоват ва низоларга қарши қаратилганлиги билан диний ақидапарастлик, фундаментализм ва экстремизмнинг зарарли мафкурасини фош қилишда катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этиши мумкин

Халқаро террорчи ва диний-сиёсий экстремистик жиноий тўдалар бугунги кунда дунё цивилизациясининг, давлатлар аро интеграциясининг

²² Кармов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997, Б-44.

ашаддий душманига айланганини очик-ойдин эътироф этиш керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «айни пайтда халқаро террорчилик ва экстремизм марказлари миллионлаб тинч аҳолига ва бутун-бутун давлатларга улкан талофотлар келтирадиган ёвуз хатти ҳаракатларнинг давом этаётгани»²³ дан хавотирланиб, «гарчи террорчилик ҳаракатларнинг бири, айтайлик, Филиппинда, бири Болқонда, бири Чеченистонда, яна бири Яқин Шарқ ёки бошқа минтақа ва давлатларда амалга оширилаётган бўлсада, бугунги кунда уларнинг барчаси бир занжирга боғлангани, бу тажовузлар ортида ката маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказларда бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги очик-ойдин кўриниб»²⁴ турганлигини, уларнинг ўзаро уйғунлашиб, чуқур илдиз отиб кетганлигини ҳисобга олиб «агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз халқаро террорнинг молиявий таянчидир»²⁵ деган назарий хулосани илгари суради ва бундай жиноятчиларнинг жиноий кирдикорларини чуқур таҳлил қилиб, батафсил ўрганмасдан туриб, хулоса қилиш ва уларга қарши самарали курашиш мумкин эмаслигига эътиборни қаратди.

Президент И.А.Каримов 1995 йил 5 майдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида сўзлаган нутқларида илк бор “Туркистон умумий уйимиз” масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. Давлат раҳбари ўз маърузаларида собиқ СССР ўрнидаги ва яқин атрофимиздаги юзага келган ўта мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёсат олиб боришни тақозо этади. Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қилади.

²³ Кармов И.А. Терроризм хавфи тўғрисида. Тузувчи муаллифлар: Қобилов Ш.Р, Таджихонов Б.У. Т.: Ўзбекистон ИИВ Академияси, 2002, Б-97.

²⁴ Кармов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т-10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясидаги маъруза, 2001 йил 6 декабр.

²⁵ Кармов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз Т-9. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи Т.: Ўзбекистон. 2002, Б-136.

Президент И.А.Каримов “Биз – бешта қудратли шоҳи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор. Бизнинг – тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг – тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ” – дейди. Президент И.А.Каримов фикрларини давом эттириб, “Тасаввур қилинки, ота юртимиз Туркистон – катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади” - деб таъкидлайди²⁶.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш – бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий birlik туйғусини муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклашига эътибор қаратилди. Ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлади. Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очик қалб ва очик чеҳра билан кутиб олди.

Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган жамоатчилик ҳаракати “Туркистон умумий уйимиз” деб номланди. Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга қадим Туркистон заминда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олди.

Нима учундир фақат ҳозирги кунга келиб Афғонистоннинг наинки Европани наркотиклар билан таъминлайдиган асосий манба эканлигини, балки энг ашаддий террорчиларни тайёрлайдиган полигон ҳам эканлигини ҳамма бирданига англаб етди. Холбуки, мен бу масала ҳақида анча илгари гапирганимда, менга лоқайдлик билан «Бу сизнинг муаммоингиз», деб жавоб беришган эди. “«Халқаро терроризм» тушунчаси 2001 йилнинг 11

²⁶ Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. Т. “Ўзбекистон”. 1995. Б-15.

сентябридан айниқса урф бўлди. Бироқ бундан анча аввал ҳам Италияда «Қизил бригадалар» ва Германияда Баадер-Майнхоф гуруҳи бор эди. Бу ҳақда бугун Европада эслашни ёқтиришмайди²⁷.

Террорчиликка қарши курашда бизнинг принципиал нуқтаи назаримиз ўзгаргани йўқ. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг (МОҲТ) Душанбеда бўлиб ўтган сўнгги йиғилишида МДХ ҳудудида ва хусусан, МОҲТ ҳудудида мавжуд бўлган террорчилик гуруҳларини конундан ташқарида деб эътироф этиш мақсадида уларнинг рўйхатини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу жиддий тадбир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда: Германия, Покистон, 16 та араб мамлакати «Хизбут-таҳрир»ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОҲТ нинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга қўшилди.

Афсуски, террорчиликка қарши кураш ниқоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Марказий Осиё минтақасидаги ўз таъсирини сақлаш учун кураш олиб боришмоқда. Бундай вазиятда эса террорчиликка қарши ҳақиқий кураш масаласи содир бўлаётган жараёнлардан четда қолиб кетиши мумкин.

“Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ” асарда халқаро террорчиликка қарши курашдаги дунё ҳамжамияти ташкилотларининг битимлари фақат қоғозда эмас, балки амалда қўлланиши кераклигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилади; “Айтайлик, МДХ давлатлари доирасидаги бирон-бир йиғилиш йўқки, унда террорчиликка қарши курашиш тўғрисида ҳужжат қабул қилинмаган бўлсин. Юзлаб ҳужжатлар қабул қилинган, сўз ўйини авжида, иш эса зиён кўрмоқда, тилда эмас, амалда вазиятни ўнглашга интилаётганларнинг саъй-ҳаракатлари обрўсизлантирилмоқда. Табиийки, бундай шароитда маккор, ўта шафқатсиз,

²⁷ И.А.Каримов Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Тошкент — «Ўзбекистон» — 2004 Б-97.

пихи қайрилган халқаро террорчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришиш мушкул”²⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади—бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнларини ва бозор ислохотларни чуқурлаштиришдир, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлида оғишмай боришдир”²⁹.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Ислон Каримов ўз фундаментал асарлари, фикрлари, нуфузли халқаро анжуман ва ташкилотлардаги маърузаларида мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш, давлатимизнинг халқаро мавқеини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш концепцияси ёритилган бўлиб, ёшларни диний экстремистик ғояларга қарши курашда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда хизмат қилади.

²⁸ И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 13-жилд.—Т.:Ўзбекистон. 2004. Б-99.

²⁹ И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. — Т.13. — Т.: “Ўзбекистон”, 2005. — Б-177.

1.2. Халқаро терроризм: мазмун моҳияти ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди

Инсоният XX асрнинг охирига келиб бир қанча чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий кашшоклик, наркобизнес, терроризм кабилар шулар жумласидандир. Ҳаммадан ачинарлиси шундаки, бугунги кунда, ер юзида 500 дан ортиқ террорчи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар 60 та давлат ҳудудидан жой олган бўлиб, 84 та далаатга ва уларнинг фуқароларига қарши террорчилик ҳаракатларини олиб бормоқдалар³⁰.

Кўриниб турибдики, терроризмнинг маълум бир миллати, давлати, ҳукумати йўқки уни муайян давлатларда куртакляпди деб айта олсак. Терроризм, айниқса, халқаро терроризм масалаларини чуқур ўрганишга 1970-1980 йилларда киришилди. Ўтган асрнинг сўнги ўн йиллигига келиб халқаро терроризм глобал муаммога айланиб кетганлиги туфайли бу мавзу нафақат халқаро ҳуқуқ билан шуғулланувчи олимлар, балки бошқа соҳа мутахассислари, хусусан, ҳар бир давлатнинг ички қонунлари, жинойтчиликка қарши кураш муаммоларини ўрганувчи олимлар ва амалиётчилар томонидан ҳам тадқиқ қилиниши зарур бўлган ғоят мураккаб ва баҳсли мунозара мавзусига айланди.

Тадқиқотимизнинг моҳиятини тўлиқ ёритиш албатта «терроризм»га юридик атама тариқасида изоҳ берилишини талаб қилади. Чунки бу борада ҳалигача яқдил фикр йўқ. Чунончи, америкалик мутахассислар Т.Арнолд ва М.Кеннеди «терроризм тушунчасига таъриф бериб бўлмайди, деган фикрга кўпчилик қўшилади»³¹ деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ватандошларидан В.Маллисон ва С.Маллисон эса террорчилик жинойтининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, террор–бу оммавий ёки сиёсий мақсадларга

³⁰ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.-Т.: Тошкент ислом университети. 2005.Б-79

³¹ Ляхов. Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. М.: Международное отношения, 1991.-Стр-13.

эришиш учун мунтазам равишда ашаддий зўрлик ишлатиш ва зўрлик ишлатиш билан кўрқитишдир,³² деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса терроризм сўзига кўйидагича таъриф берилади: Терроризм (лот. terror — кўркув, даҳшат) — маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули, деб таъриф берилади.

Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телеэкранлар орқали доимий намоёиш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжаллашан бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган "вируслар"ни тарқатиш бунга мисол бўла олади. Ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзловчи кучларнинг зўравонлиги ва қўпоровчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Президент И.А.Каримов "Юксак маънавият—енгилмас куч асарида келтирилганидек: "...бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатида куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин"³³. Сиёсий терроризм нафақат жиноятчи гуруҳда, ҳатто баъзи реакцион агрессив руҳдаги расмий сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Қатор манбаларда терроризм мазмун моҳияти ва унинг инсониятга бўлган таъсири ҳақида турлича фикрлар номоён бўлади. Жумладан, рус тилидаги луғатларда «террор», «терроризм», «террорчилик ҳаракати» каби тушунчаларнинг маъноси турлича кўрсатилган. Мисол учун, В.И. Далнинг

³² Ляхов. Е.Г Ўша китоб. Стр.-14.

³³ И.А.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент — «Маънавият» — 2008. Б-115.

изоҳли луғатида «терроризмнинг мақсади—ўлдириш, зўрлик ишлатиш йўли билан кўрқитиш» эканлиги таъкидланган бўлса, С.И. Ожегов томонидан тузилган луғатда эса бу тушунча биров аниқлик киритилган, Яъни «террор—сиёсий мухолифларга нисбатан жисмонан йўқ қилишга қадар жисмоний зўрлик ишлатишдан бошқа нарса эмас³⁴» лиги акс эттирилган. 1971 йили чоп этилган «Қисқача сиёсий луғат»да «террор—сиёсий мухолифга қарши то уни жисмонан йўқ қилишга қадар кўрқитиш, зўрлик ишлатиш ва жазолаш сиёсати» деб изоҳланган.

Террорчилик ҳаракати деганда, Е.Г. Ляховнинг фикрича, «жисмоний шахсга унинг сиёсий вазифаларини бажаришга муносабати билан оғир тан жароҳати етказлиши»³⁵ тушунмоқ керак. Таниқли олим Т. Жўраев эса терроризмнинг сиёсий ҳодиса сифатида қуйидагича тавсифлайди: «Терроризм ўта салбий ҳодиса сифатида у ёки бу кўринишда қадим-қадимдан маълум. Қизиғи шундаки, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш мумкин эмаслигини ҳисобга олгани ҳолда террористлар тарихнинг барча даврларида қайси минтақа ёки мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишидан қатъий назар ҳар доим халқ оммасининг айрим қатлам ва гуруҳларини «йўлдан уриш», турли йўллар билан улар қалбига йўл топиш тактикасига амал қилиб келганлар. Мамлакат инфраструктурасига таъсири нуқтаи назаридан ўта салбий оқибатларга сабабчи бўлган ўрта аср қароқчилари ва бандитлари, янги ва энг янги даврда рўй берган «ўта инқилобий халқ ҳаракатлари » ҳам сурбетларча оддий меҳнаткаш «номидан» иш кўришган. Айрим ҳудудларда террорчи гуруҳларнинг узок муддатга ҳокимият тепасига келганлиги, ҳатто уларнинг халқ билан маълум бир вақт давомида якдил бўлганликлари тўғрисида тарихда кўплаб маълумотларни учратамиз.³⁶

Россиялик бошқа олим И.И. Карпец терроризмнинг мақсади демократик прогрессив ижтимоий ислохотларга, корхона ташкилот, муассаса

³⁴ Ожегов С.И. Словарь русского языка, М.: Русский язык. 1986.—Стр-691.

³⁵ Ляхов. Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. М.: Международное отношения, 1991. Стр-14-15

³⁶ Жўраев Т. Политология. “Терроризм-инсоният ҳаётига таҳдид” Т.: 2000.Б-179.

ва шахслар мулкига зарар етказишдан; одамларни қўрқитиб қўйишдан; уларга нисбатан фашистлар, ирқчилар, анархистлар, шовинистлар ёхуд харбий бюрократик оқимларнинг реакцион қарашлари ва мафкураси фойдасини кўзлаб зўрлик ишлатишдан ва жисмоний йўқ қилишдан, шунингдек, жинойтчи унсурлар ёки уларга ҳомийлик қилувчи ташкилотлар, гуруҳлар, шахслар томонидан моддий ёки бошқа наф олишдан иборат қилмиш эканлигини³⁷ эътироф этган. Яна бир таниқли россиялик олим Л.А. Можарян эса терроризмни давлат сиёсати даражасига кўтариб, унга энг мудҳиш жинойт³⁸ деб қараган.

Юқорида бизга замондош россиялик айрим ҳуқуқшунос олимларнинг «террор» ёки «терроризм» ҳақидаги фикрларни баён қилдик холос. Ғарб ва Шарқ ҳуқуқшунослари, шунингдек, америкалик олимлар ҳам «давлат терроризми» ва «халқаро терроризм» каби юридик атамалар хусусида ўзига хос қатор фикрларни баён қилганлар.

Жумладан, англиялик профессор Колин С. Грей терроризм сиёсий мақсадга эришиш учун куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдир³⁹, деган фикрни эътироф этади.

Хиндистонлик олим С. Аграваланинг «халқаро терроризм жинойтининг зарурий элементлари—бу гуноҳсиз кишилар ёки умуман аҳоли учун хавфли шарт-шароитни вужудга келтирувчи зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, шунингдек, жинойтнинг халқаро тусдаги кўринишидир»⁴⁰, деган фикрни ғоятда ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, халқаро террорчилик билан шуғулланувчи жинойтчилар (гуруҳлар ёки уюшмалар)нинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари маълум бир даражада халқаро муносабатларга дахлдордек кўринса-да, аслида мазкур жинойт субъектларнинг мақсади халқаро муносабатларга путур етказиш билан бир қаторда уларга мутлоқо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишилар ёки аҳолининг ҳаётига таҳдид солиш ёки

³⁷ Қаранг. Карпец И.И. Преступления международного характера. М.: 1979. Стр—64-98.

³⁸ Можарян Л.А. Терроризм: правда и вымысел. М.: 1983. Стр—28.

³⁹ Ляхов. Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. М.: Международные отношения, 1991.-Стр-17.

⁴⁰ Қаранг. Ляхов. Е.Г Ўша китоб. Б-17.

хавф остида қолдиришга, шунингдек, муайян давлат сиёсатига таҳдид солишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда бундай ҳаракатлар шу қадар кучайиб бормоқдаки, ана шундай таҳликали вазиятда ҳеч ким «мен бундай жиноя қурбони бўлмайман» деб қафолат бера олмайди

Шунга ўхшаш Жанубий Африка Республикасининг олими Ж. Дугарит халқаро терроризм бу халқаро муносабатларга путур етказадиган сиёсий ўзгаришларни юзага келтириш мақсадини кўзловчи ва халқаро ҳамжамиятнинг маҳбул ахлоқ нормаларига номувофиқ ҳисобланган зўравонлик билан қилинган ҳаракат эканлигини таъкидлар экан, бундай қилмишнинг амалга оширилиши халқаро муносабатларни чегаралаштиришга қаратилганлигига алоҳида урғу берилади АҚШ Федерал тергов бюроси (ФТБ) томонидан давлат департаменти учун тайёрланган ҳужжатда эса халқаро терроризм ажнабий ҳукумат ёки ҳукуматларга қаратилган террорчиликдир” деб тарифланган⁴¹.

АҚШда чоп этилган «1989 йил молия йили бўйича қўшма штатларнинг ҳарбий аҳволи» журналида АҚШ қурулган кучлари америкаликларнинг ҳаёти ва мулкига ёки тинчликда яшашга интилаётган миллатларнинг суверинитети, сиёсий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига ўзига хос таҳдид пайдо бўлган тақдирда уларга тўғридан-тўғри мадад кўрсатилишини таъминлашга шай бўлиб туриши кераклиги эътироф этилган.

Ушбу ўринда халқаро террорчиликка урушнинг алоҳида тури деб қараган АҚШ олимлари фикрига қўшилмаймиз. Чунки, биринчидан, халқаро террорчилик давлат томонидан эмас, муайян шахслар, жиний уюшма томонидан содир этилади. Уруш эса бир давлатнинг бошқа давлатга нисбатан ҳуружидан иборат. Халқаро майдонда уруш ҳолатида бўлган ҳар қандай давлат ёки минтақада амал қилиниши шарт бўлган уруш удумлари, қоидаларига риоя этиш талаб қилинади. Бунда маълум бир ҳудуддаги сиёсий вазият умуман издан чиқади, нафақат ички сиёсат, балки давлатнинг (давлатларнинг) ташқи сиёсат билан боғлиқ функцияси ҳам топталади,

⁴¹ Қаранг. Ляхов. Е.Г Ўша китоб. Б-16.

батамом бузилади. Аслида гап, Президентимиз талқини билан айтадиган бўлсак, террорчилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир нечта кудратли марказлар томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жиной гуруҳлар тўғрисида бормоқда⁴².

Расмий манбаларнинг гувоҳлик беришича «халқаро терроризм» юридик атамаси XX асрнинг 70 йилларида, «давлат терроризми» атамаси эса саксонинчи йилларида халқаро йиғинларда тез-тез тилга олиниб, унинг келиб чиқиши ва моҳияти таҳлил қилина бошланган. Жумладан, БМТ бош ассамблеясининг 34-сессиясида халқаро муносабатларга катта хавф туғдираётган давлат терроризми атрофлича муҳокама қилинган ҳамда, бошқа суверен давлатлардаги ижтимоий-сиёсий тузумига путур етказишга қаратилган давлат терроризми сиёсатининг ҳар қандай кўриниши ножоиз эканлиги алоҳида резолюция қабул қилинган. Шундан сўнг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиб каби ҳаракатлар кучайган. Жумладан, миллий озодлик ҳаракатлари «кенг қулоқ ёйган» Африка, Лотин Америкаси, Жанубий Осиёдаги давлатларнинг ички сиёсатига ўша замонда гегемон саналган СССР, АҚШ, Англия, Франция каби мамлакатларнинг баъзан эса бу аралашуви Афғонистон, Ветнам, Лаос, Камбожада бўлгани каби (уруш ўчоғини алангалатиб урушга сабаб бўлганлиги) миллионлаб халқларнинг, Миллатларнинг қурбон бўлиши катта талофот бўлишга олиб келганлиги давлат терроризмига мисол бўла олади.

Ҳақиқатдан ҳам XX асрнинг 90-йилларига келиб терроризмнинг янги кўринишлари пайдо бўлди. Жумладан, жиной ҳаракатларини бир вақтнинг ўзида бир неча давлатда амалга оширилишига ҳаракат қилаётган «халқаро террорчи» гуруҳлар ёки жиной уюшмалар сони дунёнинг турли минтақаларида кўпайиб, улар томонидан мунтазам равишда содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси орта бошлади. Чунки террористик ҳаракатлар турли йўналишларда олиб борилмоқда. “Чунончи айрим шахсларга қаратилган индивидуал террор, кўпчилиқка йўналтирилган

⁴² Жўраев Т. Политология. “Халқаро терроризмнинг сиёсий ҳодиса эканлиги” Т.: 2000. Б-179.

оммавий террор, турли касалликларни тарқатишга қаратилган биологик террор, замонавий интернет террор ва бошқалар⁴³. Бу жараён, яъни халқаро терроризмнинг оммавий тус олиши эса, шубҳасизки, халқаро муносабатларнинг чигаллашувига олиб келди. Оқибатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида халқаро терроризмга қарши кураш масаласини ўзида акс эттирган халқаро ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ана шу вазиятдан келиб чиққан ҳолда БМТ таркибидаги махсус қўмита ва комиссиялар ўз фаолиятларини инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солаётган ана шу ўта оғир жиноят муаммосига ўрганишга қаратдилар.

Бугунги кунда мазкур жиноий қилмишлар жаҳондаги ечимини топиши зарур бўлган глобал муаммоларга айланди. Ер қуррасининг қатор мамлакатларида жойлашган уюшган террорчи жиноятчилар бир вақтнинг ўзида бир нечта давлат хавфсизлигига исталган пайтда таҳдид солиб бегуноҳ инсонларни ўз жиноятларининг қурбонларига айлантирмоқдалар. Халқаро террорчилик ҳаракатлари бутун дунё халқлари ташвишга солмоқда, ўйлаш ва таҳлил қилиб кўришга бундай даҳшатли жиноий қилмишга нисбатан жазони кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга давъат этмоқда.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов башарият осойишталигига хавф солиб турган «халқаро терроризм» деб аталмиш сиёсий ва қолаверса олам беқарорлигига қаратилган жиноий ҳодиса тўғрисида тўхталиб: «Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиганзамонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўлаётган можароларни рағбатлантиришборасида энг қулай восита эканлиги»ни алоҳида тўхталиб ўтган эди⁴⁴.

⁴³ М.Лафасов ва бошқ. Диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш. –Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2010. Б-50.

⁴⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-т. – Т.: “Ўзбекистон”. 1997. Б-95-96.

Ҳозирги кунда халқаро террорчилик ҳаракатларини содир этаётган жиной уюшмалар қилмиши ижтмоий хавфлилик даражасининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, деярли барча жинойтчилар террорчилик ҳаракатлари содир этилган давлат ҳудудида жойлашиб олиб, ўз жиной режаларни амалга оширмоқдалар. Чунончи, Афғонистондаги террорчиликка мослашган жиной уюшмалар Тожикистон, ҳаттоки Қирғизистон давлатлари чегараларидан ноқонуний йўллар билан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудида террорчилик жинойтларини содир этишга уриндилар. Террорчилик содир этишга мослашган уюшма аъзолари Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг 16 феввалида террорчилик ҳаракатини содир этгач, тезда Ўзбекистон ҳудудини тарк этиш учун ҳам жинойтчи террорчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан чиқарилган ҳукмни тўла ижро этиш имконияти бўлмади. Дунё сиёсатдонлари ва мутахасис олимлар халқаро терроризм тушунчасини соддалаштириб, уни халқаро майдондаги бир ёки бир неча мамлакат ҳудудига ва фуқароларига таҳдид солувчи ўта ижтимоий хавфли жинойт деб айтаётганлари бежиз эмас. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида ҳам «Халқаро терроризм-бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм»,⁴⁵ дейилган.

Қайд этиш лозимки, халқаро ҳамжамият ҳам бу жинойт тушунчасини лоақал нисбатан умумий эътироф этилган таърифи хусусида ҳам ҳозирча бир тўхтамга келган эмас. Ҳаттоки бир давлат олимлари ва амалиётчилари томонидан ҳам «халқаро терроризм» тушунчасига амалий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи таъриф берилганлиги турли баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Терроризм:

- халқаро террорчилик жинойтлари тарихан турли даврларга хос бўлиб, бу атамалар тўғрисида умумий эътироф этилган, аниқ ва лўнда тушунча ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2001. - № 1-2. Б-1496.

- Кўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир.
- У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин.
- Таъқиб, зўравонлик, қўпуровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир.
- терроризм қандай "байроқ" остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.
- Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик кенг тарқалган.
- Ўз манфаатларини қондиришда рақибларини ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқотиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш йўлларида фойдаланилади.

Шунинг учун ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳар биримизнинг терроризм моҳиятини англаган ҳолда сергак ва огоҳ бўлишимиз, ҳар қандай таҳдидга қарши бўлишимиз, ҳар қандай таҳдидга қарши курашга тайёр бўлмоғимиз даркор. Тинчлик учун курашмоқ керак.

2-БОБ. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши курашдаги ўрни ва роли

1.1. Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг халқаро терроризмга қарши курашда ташаббуслари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданок турли халқаро ташкилотлар минбарларидан халқаро ва минтакавий хавфсизликни таъминлаш борасида қатор ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббуслар нафақат Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига, балки Марказий Осиё минтақаси, қолаверса бутун жаҳон ҳамжамияти хавфсизлигига даҳлдордир.

Президент Ислон Каримов ўзининг 2000 йил 22 январ куни Олий Мажлиснинг Иккинчи чақирғи биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида давлатимиз ташқи сиёсати ва хавфсизлик стратегиясининг устиворликларини таъкидлар экан, «Бугунги кунда бизнинг барча ташаббус ва саъй-ҳаракатларимиз минтақамизга тажовузкорона хатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро террорчиликнинг ёйилиш хавфи кучайиб бораётганлигини кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилмоқда»-деган жиддий фикрни ўртага ташлади⁴⁶.

Экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчликка эришишда БМТнинг фаоллигини кучайтириш, Афғонистон ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш ва қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш, экстремизм ва халқаро терроризмнинг молиявий манбаи бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши халқаро миқёсда кураш каби масалаларда ҳам эътиборга молик таклифларни илгари сурганини таъкидлаш зарур.

⁴⁶ Жўраев Т. Политология. «Терроризм-инсоният ҳаётига таҳдид» Т.: 2000. Б-187.

Террорчилик жаҳондаги барча давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳам жиноят деб белгиланган. БМТ томонидан давлатларнинг терроризмга қарши ўзаро ҳамкорликда баҳамжihat, биргаликда қаятий курашни ташкил этишни кўзда тутган қатор конвенциялар қабул қилинган. Айниқса, террорчи жиноятчилар молиявий таъминланишининг пайини қирқишга бағишланган охирги хужжатлардан бири-«Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги (1999) Халқаро Конвенция муҳим аҳамиятга эга.

Президент И.Каримов томонидан жуда катта самарали ишлар амалга оширилди. 1992 йил 13 октябрда Тошкентда Президент И.Каримов Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурхониддин Раббоний томонидан икки кўшни давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш хаво йўллари очиш тўғрисида хужжатлар имзоланган⁴⁷

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1993 йил 28 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқида халқаро жиноятчилик, айниқса, унинг ўта хавфли кўриниши ҳисобланган халқаро терроризм ҳамда нарқобизнесга қарши курашда дунёдаги тинчликсевар давлатлари кучларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Президент Ислом Каримов ўз маърузасида тожик-афғон чегарасидаги танглик ва нарқобизнес муаммосига тўхталиб, мазкур можаро миқёслари ва потенциали, унинг бутун дунёга хавф солаётгани, келтириб чиқарадиган оқибатлари ҳали тўла англаб етилмагани қайд этилди⁴⁸.

Халқаро ҳуқуқ муаммолари билан шуғулланувчи бир гуруҳ олимлар, хусусан америкалик Р. Клайн ва Й. Александерлар халқаро террорчиликни халқаро муносабатларни бузулишига олиб келувчи урушнинг бир тури бўлгани учун ҳам унга қарши курашда қуролли кучлардан фойдаланиш

⁴⁷ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”.-2001. Б-31

⁴⁸ Каримов И.А. Ўша китоб. Б-33.

мумкин деган фикрни билдирганлар⁴⁹. Аммо бу фикрга қўшилмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёнинг ҳар бир соҳаларда жадал интеграциялашаётган бугунги замонда ”фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”⁵⁰.

1998 йилнинг 28 августида Президент И.Каримов Олий Мажлис сессиясида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ички можарони томонларнинг ўзаро музокараси воситасида бартараф этиш юзасидан аниқ-равшан таклифларини илгари сурди. Унда: биринчидан, ташқаридан таъсир ўтказишга, Афғонистоннинг ички ишларига аралashiшга барҳам бериш; иккинчидан Афғонистон қурол-яроғ етказиб беришни катъиян таъқиқлаш; учинчидан, мамлакатдаги барча миллий, этник ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар вакилларида иборат ҳукумат тузиш; тўртинчидан, тинчлик ўрнатиш жараёнида барча манфаатдор мамлакатлар, энг аввало Афғонистонга қўшни давлатларнинг фаол иштирок этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили 18 ноябрда Истамбулда бўлиб ўтган анжуман минбаридан туриб, халқаро терроризм кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида айтган сўзларини яна бир бор эслаш ўринли эканлигига эътиборни қаратиб, халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин тарзда кун тартибига қўйди. «Мазкур марказнинг вазифаси—фақат терроризмнинг ўзи билан эмас, балки уни қўллаб-қувватлаётган, қурол яроғ ва маблағ билан таъминлаётган, жойларга жўнатаётган марказларга қарши курашни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши даркор», –дея ўқтирди Ўзбекистон раҳбари⁵¹.

Минтақамизни оммавий қуроллардан ҳоли бўлишини таъминлаш мамлакатимиз учун энг долзарб ва ўта муҳим масала бўлиб келган. Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик

⁴⁹ Ляхов. Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. М.: Международное отношения, 1991. Стр-17.

⁵⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият—енгилмас куч. Т.: “Маънавият”.-2008. С-119.

⁵¹ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”.-2001. С-44.

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида "Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида ҳуқуқий жихатдан расмийлаштириш ва бу борадаги тегишли келишувларни кучга киритиш минтақамиз давлатлари ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим"⁵², - деб таъкидлаган эди.

Хавфсизликни таъминлаш бугунги кунда блокли қарама-қаршилик даврида бўлгани каби айрим "локомотив" давлатларнинг алоҳида ҳуқуқлари бўла олмайди. Бунинг учун эса минтақага кирувчи барча давлатлар ўзларининг ҳудудий ўлчамлари, аҳолиси сони ҳамда иқтисодий салоҳиятларидан қатъий назар биргаликда тинчликпарвар саъй-ҳаракатларни амалга оширишлари лозим.

Дунёнинг кўп қутблилиги янги халқаро тартибнинг янги шарт-шароитларнинг вужудга келишига асос яратди. Бу биринчи навбатда глобализация жараёни билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда нафақат ўзаро ишонч кўп томонлама ҳамкорликка қаратилган коллектив саъй-ҳаракатлар хавфсизликни таъминлашнинг тўлиқ кафолати сифатида ҳизмат қилиши мумкин. Бунда, бизнинг фикримизча қуйидаги жихатларга асосий эътибор қаратилиши лозим.

Биринчидан, даврлар орасида ўзаро боғлиқлик авваламбор минтақа миқёсида намоён бўлгани боис халқаро муносабатларни шакллантиришда хавфсизликни минтақавий жихати устувор аҳамиятга эга. Шу сабабли минтақавийлик ва глобализация жараёнига бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлар деб қараш мумкин.

Иккинчидан, халқаро муносабатлар субъектлари бўлган барча давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ёки ҳарбий салоҳиятидан қатъий назар уларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши хавфсизликни таъминлашнинг мажбурий шарти ва асосий тамойили ҳисобланади.

⁵² И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2005 йил 29 январь.

Учинчидан, халқаро хавфсизликни таъминлашда давлатлар суверенитетини, уларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ва бошқаларнинг ички ишларига аралашмаслик устувор аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, давлатлар ўртасидаги юзага келадиган можароли масалалар тинчлик йўли билан амалга оширилиши зарур. Қулолли кучлардан фақатгина ҳимояланиш воситаси сифатида фойдаланиш лозим.

Бешинчидан, давлатлар ўртасида ўзаро ишончни кенгайтириш - хавфсизликни таъминлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамойил бугунги кунда айрим можароли минтақаларда кўзга ташланаётган ҳарбий қарама-қаршилик тамойилига барҳам бериш ва унинг ўрнини эгаллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу сабабли ҳам Марказий Осиё давлатлари ўзаро ишонч ва ҳамкорлик натижаси сифатида минтақада ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб республикаимиз ядро қулолини тўлиқ тугатиш тарафдори эканлигини ва "Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ниятига содиқлигини баён қилди⁵³.

Ўзбекистон Республикаси ядро қуроли у билан боғлиқ бўлган материаллар ва технологияларнинг тарқатилмаслиги учун барча чоратadbирларни амалга оширмоқда.

1994 йилнинг 7 майида Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб "Ядро қулолни тарқатмаслик тўғрисида"ги шартномага қўшилди. 1994 йилнинг 8-октябрида республикаимиз ва МАГАТЭ ўртасида "Ядро қулолни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага доир қафолатларни қўллаш тўғрисида"ги Битим имзоланди. Унда мавжуд бўлган радиактив материалларни қатъий азорат қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш борасидаги мажбуриятлар республикаимиз томонидан сўзсиз бажарилмоқда.

⁵³ И.А.Каримов. БМТ БА нинг 48- сессияси материаллари. "Марказий Осиё—хавфсизлик ва ҳамкорлик йўлида тўплами". 1995 -Б 11.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро атом энергияси агентлиги билан ушбу ташкилот томонидан кафолат берилши ва назорат масаласи бўйича алоқасини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Камилов қуйидагича таснифланган: "Халқаро атом энергияси агентлигининг кафолат борасидаги фаолияти йилдан-йилга кучаймокда ва яхши баҳоланишига лойиқ. Унинг томонидан назоратни кучайтириш борасида 1997 йилнинг май ойида тасдиқланган табдирлар халқаро атом энергияси агентлигининг ўз вазифасини қайта кўриб чиқишга ва версификациянинг янги йўллари аниқлашга мойиллигини кўрсатади. Назаримда, ушбу муаммонинг жавоби халқаро атом энергияси агентлигининг ўз вазифасини қайта кўриб чиқишга ва версификациянинг янги йўллари аниқлашга мойиллигини кўрсатади, ҳамда халқаро атом энергияси агентлиги томонидан амалга оширилаётган замонавийлаштиришга ҳам боғлиқдир. Ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорлик хали шаклланиш босқичида. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси илк бор халқаро атом энергияси агентлиги бошқарувчилари мажлисида иштирок этди. Биз буни амалиётга жорий этишни ва агентлик билан алоқани мустаҳкамлашни мўлжалламоқдамиз"⁵⁴.

1995 йилнинг 29 декабрида Тошкентдаги дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий журналистлар билан учрашувда сўзлаган нутқида Президент Ислон Каримов асосий масала сифатида Афғонистон муаммосини кун тартибига қўйди ва қўшни мамлакатларда тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойиллари сифатида:

- Можарони босқичма-босқич бартараф қилиш;
- Музокара жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиши;
- Ўзаро ён бериш ва оқилона ўзаро келишув асосида нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш;

⁵⁴ Ядерный контроль. №32-33. 1997 год.

- Бу жараёнда БМТ, ЕХХТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги ва фаол иштирок этиши;
- Мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиниши;
- Қандай шаклда бўлмасин, ташқаридан тазйиқ ёки аралашувга йўл қўйиб бўлмаслиги;
- Энг муҳими, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш зарур эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари БМТ Хавфсизлик Кенгашига мазкур таклифни киритганини таклиф қилди⁵⁵.

1999 йил 19-20 июлда «6+2» мулоқот гуруҳининг навбатдаги Тошкент анжуманида "Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси, шунингдек, Афғонистон ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Бу ҳужжатда Афғонистонда янги ҳукумат тузиш можарони тинч йўл билан ҳал этиш, қочоқларни ўз яшаш жойларига қайтариш, мамлакат ҳудудини миналардан тозалаш, умумий битим имзолаш, молиявий ёрдам каби минтақавий долзарб масала кўтарилган эди. Лекин 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШга террористик ҳужумдан сўнг НАТО блокига аъзо давлатларнинг ҳарбий кучлари Афғонистонга киритилиб, Толибон кўшинлари тор-мор этилгач «6+2» гуруҳи фаолияти ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Лекин 2005 йилдан кейинги даврда Толибон ҳаракати яширин фаолият юритиб жонлана бошлади. Афғонистон яна ҳарбий тўқнашувлар гирдобида қолди. Шу боисда ҳам Ўзбекистон Президенти Бухарестда НАТО\СЕАП Евроатланта ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиб, 30 йилдан буён ҳозиргача бир қатор амалий таклифларини илгари сурди. Давлат раҳбарининг 2008 йил августида ШХТ саммита доирасидаги маърузасида эса бу масала яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Шунингдек «6+3» гуруҳини тузиш гояси Президент Ислом Каримов томонидан 2009 йил 15-16 июлда

⁵⁵ Қаранг: Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: "Ўзбекистон".-2001. Б-36.

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти анжуманида ҳам илгари сурилди. Президент И.Каримов «6+3» гуруҳи ғоясига 2010 йил 27 январда Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш устувор вазирамиздир" маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди.

Юқорида зикр этилганидек, дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва оқойишталикни сақлаш, уни кўз қорачиғидек асраш масаласи мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Буни ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган ўша нотинч даврда, Ислом Каримовнинг чуқур изтироб билан ўртаниб, 1992 йил 4 январь куни Олий Кенгашнинг 9-сессияси минбаридан туриб халққа қилган мурожаатидаги бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу сўзлар яққол тасдиқлайди:

“Азиз дўстлар! Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсам ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиламан: шу масалада ёрдам қилинг!

Ахир, Қуръони Карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

***Жанжал чиққан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўгирар экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан!*”⁵⁶.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бугунги кунгача Афғонистонда қолаверса бутун минтақада тинчлик йўлида тинимсиз ҳаракатлар амалга ошириб келмоқда. 2010 йилнинг 10 декабрида Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида Марказий Осиёдаги барқарорлик, хусусан Афғонистон ва Қирғизситондаги тинчлик ва

⁵⁶ Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б-20–21

барқарорликни таъминлаш юзасидан уз фикрлари ва таклифларини билдирди⁵⁷.

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО/SEAP ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилган⁵⁸.

Ўзбекистон бу ташаббуслар амалга ошиши учун ўзининг ички сиёсатида ҳам тегишли чора-тадбирларни амалга оширди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1998 йили 1 май ойида тасдиқланган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунда мазкур йўналишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мужассам этилган.

Республикамиз экстремизм ва терроризм билан бирга уни молиялаштириш билан узвий боғлиқ бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши курашда ҳам қатъий сиёсат олиб бормоқда. 1999 йилда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, 2000 йилда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилингани ҳамда «Экспорт назорати тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари тайёрлангани фикримизни тасдиқлайди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз диний экстремизм ва терроризмга қарши тизимли ва тадрижий кураш олиб бормоқда. Бу кураш мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қилади.

⁵⁷ Тошкент окшоми. 2010 йил 14 декабрь.

⁵⁸ Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 9 январь.

2.2. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда халқаро ва минтақавий ташкилотларда тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси ўзининг геосиёсий ҳолати, Марказий Осиёдаги роли ва ўрнини эътиборга олган ҳолда бу ерда тинч-тотувликни сақлаш тамойилларини сақлаш тўғрисида қайғурмоқда ва халқаро терроризмга қарши курашдаги иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам ёрқин номоеън бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ЕХХТ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)⁵⁹, Марказий Осиё Ҳамкорлиги (МОҲ) ташкилоти каби бир қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва терроризмга қарши қаратилган шартномаларни бажаришда фаол қатнашиб келмоқда⁶⁰. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ушбу шартномаларда қатнашиши унинг ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давомидир

1993 йилнинг 4 мартида Ўзбекистон раҳбари МДХ ва хорижий муҳбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан бўлиб ўтган анжуманда Афғонистонда террорчилар тайёрланаётгани, улар жойларда кўпоровчилик олиб бориши нотинчлик келтириб чиқаришига урғу бериб журналистларга "Навбатдаги вахшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиринг!"⁶¹ - деб даъват этди.

1993 йилнинг июлида Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида Президент Ислон Каримов ўз нутқида иқтисодий ҳамкорликка тўсиқ ва ғов бўлиб турган асосий масала—Афғонистондаги нотинч ва беқарор вазиятга эътиборни қаратиб, муҳолиф кучларни яраштиришга, афғон халқини тезроқ тинч меҳнатга жалб этишда биргаликда ҳаракат қилишга, шу мақсадда

⁵⁹ “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Шанхай Конвенсияси. 2001 йил 15-июн.

⁶⁰ Покистон Ислон Республикаси-1996 йил 19-октябр, БАА-2008й 17-март ва бошқ.

⁶¹ Қаранг: Халқ сўзи. Бош мақола. 1993 йил 29 сентябр сони.

Афғонистондаги мухолиф кучлар, манфаатдор халқаро ташкилотлар, БМТ вакиллари Тошкент шаҳрида йиғилишга таклиф этди.

Таъкидлаш жизки, халқаро муносабатлар тизимида рўй берган глобал геосиёсий ўзгаришлар натижасида жаҳондаги вазият барқарорлшиб қолмади, аксинча халқаро ҳамжамият олдида адекват хавфсизлик тизимини яратишни талаб қилади. Буни эса жаҳон интеграциясининг ҳар бир соҳасида кўришимиз мумкин.

Президент И.Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги ўз мавзусида: "Тожикистон-Афғон чегарасидаги танглик ва нарқобизес муаммосида тўхталиб мазкур можаро потециали унинг бутун дунёда хавф солаётгани келтириб чиқарадиган оқибатлари хали англаб етилмаганини қайд этди. БМТнинг ўзининг тинчликпарвозлик фаолияти, айниқса можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақирди.

1995 йилнинг 12 мартда Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда Президент И.Каримов Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятга жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир марта қаратиб, "Бу мамлакатларда ўн миллионлаб одамлар очлик, қашшоқлик, вайронгарчилик шароитида яшаётганлиги таъкидлаган бўлса, 1995 йил 15 сентябрдаги Тошкентда ўтган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига дойр семинар кенгашида И.Каримов "Афғонистон ва Тожикистондаги нотинчлик олтмиш миллион киши тақдирига салбий таъсир курсатаётганини уқтирди, мазкур мамлакатларда қадамма-қадам тинчликка эришишнинг амалий тамойилларини таклиф этди⁶². 1995 йилнинг 24 октябрида БМТ нинг Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишида Афғонистондаги уруш афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солганини, мамлакат халқаро терроризм ва нарқобизес манбаи бўлиб қолганини яна бир марта эслатиб ўтди. "Ўзбекистон кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қўллаб-қувватлаётган, Афғонистон худуди орқали Ҳинд океани бандаргоҳларида

⁶² Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: "Ўзбекистон".-2001. Б-34.

чиқадиган темир йўл, автомобил куриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор, - дея таъкидлади Ўзбекистон раҳбари. Бу миллионлаб афғонларнинг тинч меҳнат билан банд этиш янги, нисбатан қисқа савдо ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёдаги энг зиддиятли минтақада жўғрофий сиёсий вазиятни тубдан яхшлаш имконини беради"⁶³.

Президент И.Каримов 1996 йилнинг 5 июнида дипломатик корпус раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий журналистлар билан учрашувда Афғонистонда тинчликни қарор топтириш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар БМТ нинг хавфсизлик кенгаши, Эрон ва Покистон раҳбарияти томонидан қўллаб қувватланаётганини, айти пайтида Афғонистон худудидан ўтадиган нефт-газ қувурлари ва бошқалар бўйича қўп тармоқли лойиҳалар муҳокама этилаётганини маълум қилди⁶⁴.

1996 йилнинг 1 октябрида Президент И.Каримов раислигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда қўшни Афғонистонда беқарорлик "Толибон" ҳаракати келтириб чиқараётган ташвишли вазият ва унинг оқибатлари билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди. 1996 йилнинг 4 октябрида Алматида Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон раҳбари "Афғонистон бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлаш манбаига айланаётганига эътиборни қаратди. Афғонистондаги кескин вазият, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш билан боғлиқ масалалар олий даражада муҳокама қилинди⁶⁵.

1996 йилнинг 2-3 декабрида Лиссабонда Президент Ислам Каримов ЕХХТга аъзо давлат ва ҳукумат бошлиқлари олдида нутқ сўзлаб, 54 мамлакат раҳбарлари эътиборини Ер юзидаги хавфсизликнинг Афғонистон можаросини бартараф этиш билан боғлиқ жиҳатларига қаратди⁶⁶.

⁶³ Қаранг: // Халқ сўзи. 1996 йил 6 июль.

⁶⁴ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: "Ўзбекистон".-2001. Б-36.

⁶⁵ Каримов И.А. Ўша китоб. Б-37.

⁶⁶ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: "Ўзбекистон".-2001. Б-39.

1998 йилнинг майида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўт очишни тўхташиш ва ички можароларни томонлар ўртасида тинч музокаралар воситасида хал этиш ҳақида таклиф киритишди. 1997 йилнинг 27 декабрида Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий ҳамда республика журналистлари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги ташаббусни БМТ хавфсизлик кенгаши, ЕХҲТ, Европа парламенти қўллаб-қувватлаганини, бу уларнинг кейинги қарорларига ўз ифодасини топганини қайд этди.

1998 йилнинг 28 августида "Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Баёоти" қабул қилинди. Шунингдек 1998 йилнинг 28 августида БМТ хавфсизлик кенгаши афғон можаросини янги сиёсий ҳал этиш тамоилларини белгиловчи резолюция қабул қилинди⁶⁷.

1998 йилнинг 21 сентябрида БМТ котибияти биносида Президент И.Каримов ташаббуси билан ташкил топган "6+2" гуруҳи - Ҳитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Туркменистон, Тожикистон ҳамда АҚШ ва Россия Федерациясининг ташки ишлар вазирлари олий даражадаги биринчи учрашувда бўлиб ўтди. Унда "Толибон" ҳаракатида жангу-жадал ва хунрезликларни тўхтатиш, томонлар ўртасида ўзаро музокараларни бошлаш талаб этилди.

1998 йилнинг 19-20 июлида Тошкентда БМТ ташрифида «6+2» гуруҳининг Афғонистонда тинчликни қарор топтириш вазиятни барқарорлаштириш масалаларига қаратилган навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда гуруҳга аъзо мамлакатлар делегациялари, БМТ бош котибининг Афғонистон бўйича махсус элчиси иштирок этди⁶⁸. Тошкент учрашувининг очилиш маросимида Президент И. Каримов катнашди ва нутқ сўзлаб: "Бугунги Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқаро терроризм

⁶⁷ Халқ сўзи. 1998 йил 29 август.

⁶⁸ Сашми Али. Конференция «6+2» в Ташкенте. Амударья. 1999 №3 стр-147

муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси муаммолари ҳам тобуро таҳдидли тус олаётгани исломни радикаллаштириш муаммолари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди" – деди. Шунингдек, у Афғонистон жамиятининг тинч ҳаёт йўлига қайтариш жараёни шотилмашошарликсиз босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакат тараққиётининг қайси йўлидан боришини халқнинг ўзи белгилаши Афғонистонга кенг қўламли ёрдам кўрсатиш бўйича дастур ишлаб чиқариши лозим эканини алоҳида таъкидлади.

2000 йил 8 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг “Мингйиллик саммити”да Президент Исом Каримов нутқ сўзлаб жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Афғонистон боғлиқ муаммоларга, бу ҳудуд халқаро терроризм ва наркобизнес манбаига айланиб бораётганига қаратди.

“Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни, асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга – коридорларга айланмоқда, – деди у – Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси – халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин”.

Ушбу маърузасида Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятининг ХХІ аср вабосига қарши ҳамкорликда курашишга ундади⁶⁹.

2001 йилнинг 14 июлида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқида Президент И.Каримов Афғонистондаги нотинчлик ва беқарорликни бартараф этишга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилганига қарамай, бу борада бошлаган ишлар боши берк кўчага кириб қолганини, афсус билан таъкидлади, бу ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариши муқаррар - деди Ўзбекистон раҳбари бунинг олдини олиш учун минтакавий хавфсизлик тизимини такомиллаштиришни тақлиф этди.

⁶⁹ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”.-2001. Б-39.

БМТ маълумотларида кайд этилишича бугунги кунда дунёда етиштирилаётган 90% га яқин наркотик моддалар Афғонистон ҳиссасига тўғри келмокда. Бу эса иккита йирик муаммони келтириб чиқармокда. Биринчидан, наркотик моддаларни ноқонуний етиштириш ва сотиш авж олдириб миллионлаб одамлар умрига завола бўлаётган бўлса, иккинчидан, халқаро терроризм ва диний экстримизмни молиявий аҳволи яхшиланмокда. Президент Ислам Каримовнинг сўзлари билан айтганда: Агар диний экстримизм ва ақидапарастлик ишлари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес наркотраффик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир. Шу боис ўтган қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш, ерларни минерал ҳолатини яхшилаш, сугориш тизимини йўлга қўйиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва энг муҳими галла, пахта, мева ва сабзаёт етиштириш орқали ҳам тиркчилик қилиб рўшнолик кўриш мумкинлигини амалда исботлаш зарур. Токи бу юртда ишлаётган ҳар бир инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин⁷⁰. Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари билан бирга мамлакатни тиклаш бўйича халқаро миқёсда ҳаракатлар ҳам бошланган эди. Орадан маълум вақт ўтиб бу борасда сезиларли ўзгаришлар сезиляпти.

Ўзбекистон ҳукумати 2002 йил декабр ойида икки мамлакат ўртасида чегарада жойлашган кўприкни очиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2003 йилнинг декабр ойида Термиз шаҳрида Айритош божхона мажмуаси ишга туширилди. 2007 йил якунига кўра "Айритош" назорат пости орқали Афғонистонга юборилган гуманитар юкларнинг миқдори ошган.

Шу ўринда, Афғонистонга хорижий давлатлардан берилаётган гуманитар ёрдам ва ушбу мамлакатлардаги кучларни наҳарбий маҳсулотлар билан таъминлашда Ўзбекистон беқиёс ўрин тутаетганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Юклар қайси мамлакат ҳудудидан ўтиб келмасин, охир-оқибат

⁷⁰ Президенти И.Каримовнинг БМТ саммити минг йиллик ривожланиш масалаларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2010 йил 22 сентябрь.

Ўзбекистонга келиши аниқдир. Чунки фақат Ўзбекистон Афғонистон билан темир йўл орқали боғланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг таклифига кўра, 2010 йил 20-21 сентябр кунлари Нью-Йорк шаҳрига БМТ бош ассамблеясининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президент И.Каримовнинг нутқи дунё жамоатчилигида улкан кизиқиш ва эътибор уйғотди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама қаршилиқлар сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро, динлараро зиддиятлар, қашшоқлик, очлик, оналар ва балалар ўлими ва бошқа муаммолар исониятнинг умумий тараққиёт йўлида энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди⁷¹.

Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини кўриш мумкин. Халқаро террористлар томонидан 2001 йил 11 сентябрда АҚШ ҳудудида содир этилган жиноий ҳаракатлар муносабати билан халқаро полиция (НАТО) қўшинларининг Афғонистонга киритилиши ва у ерда тинчлик ўрнатиш бўйича танланган стратегия кўпгина натижаларни бермади, бермайди ҳам. Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўللardan бири бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлар эди.

Умуман Афғонистонда давом этаётган ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш ғояси Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Албатта бошланган ана шу ижобий ҳаракатни

⁷¹ Президент И.Каримовнинг БМТ саммити минг йиллик ривожланиш масалаларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи. 2010 йил 22 сентябрь.

давом эттириш, унда манфаатдор булга давлатларни фаоллаштириш бугунги куннинг шу соҳадаги долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Хуллас бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий-рухий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон МДХдаги аксилтеррор маркази ишида ҳам фаол катнашмоқда. ШХТ доирасидаги Аксилтеррор марказининг Тошкент шаҳрида жойлаштирилиши эса республикамизнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги фаоллигини эътироф сифатида қараш мумкин. МОХ ташкилоти иш режаларида хавфсизликнинг умумий муҳитини мустаҳкамлаш, шу жумладан, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш кураш чора-тадбирлари ҳам акс этган.

2004 йил 17-18 октябрда Душанбеда МОХ ташкилотига аъзо давлатларнинг раҳбарлари кенгашида, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан, Россия Федерацияси ушбу ташкилот таъсисчилари сафига қўшилди. Ушбу анжуманда Марказий Осиёда сув-энергетика, озиқ-овқат ва троанспорт консорциумларини ташкил қилиш ва умумий бозорни шакллантириш, Афғонистонни тиклаш ишларида МОХ ташкилотига аъзо давлатларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан экстремистик ва террористик ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш МОХ ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларига топширилди.

Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати халқаро терроризмга қарши курашнинг муҳим йўл ва воситаларидан фойдаланишга интилиб жаҳон ҳамжамияти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг эътиборини халқаро терроризмга қарши кураш бўйича аниқ мақсадларни кўзловчи дастурларни илгари суриб

келмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг олдинга турган ташаббусларини ягона халқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг юқорида қайд этиб ўтилган минтақавий ташкилотларнинг ишида фаол иштироки, ташаббуслари ва таклифлари глобал хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тутуган ўрни муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

**III БОБ. “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА
ҚАРШИ КУРАШДА ТУТГАН ЎРНИ”
мавзусидаги дарс ишланмаси**

ГУРУҲ : 403
 САНА : 19.05.2013
 ФАН : Ўзбекистон тарихи.
 ЎҚИТУВЧИ: Кадиров Т..

ДАРСНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ.

1	Дарсниг ташкилий қисми.	5 минут.
2	Ўтилган мавзуни такрорлаш	15 минут.
3	Янги мавзу баёни	40 минут.
4	Мавзуни мустаҳкамлаш	15 минут.
5	Ўқувчиларни баҳолаш, уйга вазифа	5 минут.

Мавзу :	<u>ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ТУТГАН ЎРНИ</u>
----------------	--

Таълим бериш модели.

Машғулот вақти : 2 соат	Талабалар сони : 30 та
Машғулот шакли	Информацион кўргазмали дарс.
Маъруза режаси :	1. Президент Ислон Каримов асарларида ҳалқаро терроризм ва унга қарши кураш зарурлигининг ёритилиши. 2. Ҳалқаро терроризм: мазмун

	моҳияти ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди 3. Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг халқаро терроризмга қарши курашда ташаббуслари. 4. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда халқаро ва минтақавий ташкилотларда тутган ўрни.
Ўқув машғулотининг мақсади: ХХ1 асрлардаги Марказий Осиё ҳудудидаги геополитик ҳолат, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича мавжуд муаммолар, қийинчиликлар, президентимиз И.А. Каримов томонидан илгари сурилган «Туркистон умумий уйимиз» концепциясининг моҳияти, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантиришдаги ўрни, Ўзбекистоннинг Афғанистондаги тинчликни таъминлаш борасидаги саъи-ҳаракатлари, умуман олганда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва роли тўғрисида ўқувчиларга кенг, атрофлича илмий тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар : • Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, бу тамойилларнинг асослари ва ўзига хос томонлари ҳақида ўқувчиларга маълумот беради; • Ҳамжиҳатлик хавфсизликнинг бош омили эканлигини тушунтиради; • Ўзбекистоннинг БМТ га аъзо бўлиб кириши ҳақида маълумот беради; • «6 + 2» гуруҳининг учрашуви ва бучрашувда ўртага қўйилган масалалар, хусусан Афғонистонда тинчлик ўрнитиш масаласи ва бу масалани ҳал этилишидаги Ўзбекистоннинг ўзига хос ўрни ҳақида гапиради; • Тошкент Декларацияси ва унда	Ўқув фаолияти натижалари : • Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, бу тамойилларнинг асослари ва ўзига хос томонлари ҳақида тушунчага эга бўладилар; • Ҳамжиҳатлик хавфсизликнинг бош омили эканлиги ҳақида тушунчага эга бўладилар; • Ўзбекистоннинг БМТ га аъзо бўлиб кириши ҳақида тушунчага эга бўладилар, фикрларини таҳлил қиладилар; • «6 + 2» гуруҳининг учрашуви ва бучрашувда ўртага қўйилган масалалар, хусусан Афғонистонда тинчлик ўрнитиш масаласи ва бу масалани ҳал этилишидаги Ўзбекистоннинг ўзига хос ўрни ҳақида тушунчага эга бўладилар; • Тошкент Декларацияси ва унда

кўрилган масалалар ҳақида маълумот беради; • Истамбул Саммити ва ундаги Ўзбекистоннинг иштироки ҳақида ўқувчиларга маълумот беради.	кўролган масалалар ҳақида тушунчага эга бўладилар; • Истамбул Саммити ва ундаги Ўзбекистоннинг иштироки ҳақида тушунчага эга бўладилар, фикрларини таҳлил қиладилар.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, баҳс мунозара.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, яқка.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, доска, мавзуга оид фото суратлар, харита, слайдлар, мониторинг, кўргазмали куроллар, тарихий хужжатлар.
Таълим бериш шароити	Компютер ва мониторинг билан таъминланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол жавоб.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ТУТГАН ЎРНИ

Маъруза машғулотининг технологик харитаси.

Иш босқичлари ва вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
I Тайёргарлик босқичи	- ДТС талаблари асосида мавзуни белгилаб олади. - Мавзуни қисмларга ажратади. - Мавзуга мос дарс ўтиш методларини танлайди - Мавзунинг ҳар бир қисми юзасидан пухта тайёргарлик кўради.	
II. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Янги мавзуни айтади ва слайдда намоиш қиладди. (1-слайд), кунинг тарихий аҳамиятга молик бўлган янгиликлари билан таништиради 1.2. Мавзу режаси ва ўқув фаолияти	Тинглайдилар. Тинглайдилар, ёзиб

	натижалари билан таништиради (2- слайд). 1.3. Ўқувчиларни ўқув фаолиятини баҳолаш меъзонлари билан таништиради (1-илова)	оладилар. Тинглайдилар.
III. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1.Ўқитувчи мавзу юзасидан слайдлар асосида маъруза қилади. Маъруза қилиш жараёнида ўқувчиларни диққатини жамлаш мақсадида улар фикрини ҳам эшитади. 2.2.Ўқитувчи бугунги кундаги халқаро майдондаги аҳвол ва ҳавфсизлик масалалари ҳақида тўхталиб, бунда Ўзбекистоннинг иштирокига алоҳида тўхталиб ўтади. 2.3.Ўзбекистоннинг дунё ҳавфсизлигидаги ўрни ва аҳамиятини мисоллар ва далиллар асосида тушунтиради. 2.3. Мавзуни мустахкамлашда ўқитувчи ўқувчиларини икки гуруҳга ажратади ва уларга олдиндан тайёрлаб олинган ва рақамланган, категорияларга ажратилган саволларни гуруҳ аъзоларига рақам ва категориясини танлаш йўли билан тарқатилади. Ҳар бир категорияга олдиндан максимал балл белгиланган бўлади. Гуруҳлар берилган тўғри жавоблар сони ва категориясига қараб баҳоланади.	Тинглайдилар, саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар. Тинглайдилар, саволларга жавоб берадилар.
IV. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича ўқувчиларда юзага келган саволларга жавоб беради, якуний хулоса қилади 3.2. Уйга вазифа қўшимча адабиёт ва матбуот материаллардан фойдаланиб реферат тайёрлаш.	Тинглайдилар, саволларга жавоб берадилар Тинглайдилар, ёзиб оладилар.

**“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” – ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ТАЯНЧ СЎЗ ВА
ИБОРАЛАР БИЛАН ИШЛАШ**

Зилова

<u>ТУШУНЧАЛАР</u>	<u>МАЗМУНИ</u>
<i>ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ</i>	?
<i>ВАҲҲОБИЙЛИК</i>	?
<i>ДИНИЙ ТАЪЛИМОТ</i>	?
<i>ТОЛИБОН</i>	?
<i>ДИНИЙ ЭКСТРИМИЗМ</i>	?
<i>ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР</i>	?
<i>ДИНИЙ ВАКИЛЛАР</i>	?
<i>МУҲАММД ИБН АБДУЛВАҲҲОБ</i>	?
<i>ИСЛОМ ДИНИ</i>	?
<i>НАҲД ВОҲАСИ</i>	?
<i>ДИНИЙ ҚАРАШЛАР</i>	?

«Тушунчалар таҳлили» технологияси

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ёдга олиш, бирон - бир мавзу бўйича ўқитувчи», томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изохларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талаба (ёки ўқувчи)ларни баҳолай олишга йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Талаба (ёки ўқувчи)ларни машғулотда ўтилган мавзунини эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яқка ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга келтира олишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзунини ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзунини бошлашдан олдин талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яқка, кичик гуруҳ ҳамда жамоя шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: таркатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, қалам (ёки ручка), слайд.

Изоҳ: *режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириши, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрлан*

тарқатма материаллар (агар якка тартибда ўтказиш мўлжалланган бўлса, агар кичик гуруҳларда ўтказиш белгиланган бўлса, ҳолда гуруҳлар сонига қараб тарқатма материаллар тайёрланади).

Машғулоти ўтказиш тартиби:

- талаба (ёки ўқувчи)ларни гуруҳларга (шароитга қараб) ажратади;
- талаба (ёки ўқувчи)лар машғулоти ўтказишга қўйилган талаб қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
- талаба (ёки ўқувчи)лар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- талаба (ёки ўқувчи)лар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (якка тартибда);
- ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;
- ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларни аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

«Тушунчалар таҳлили» услубидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунини такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича талаба (ёки ўқувчи)ларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгалаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги машғулотда фойдаланиладиган тарқатма материални мисол тариқасида келтирамиз (илова).

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

ФСМУ технологияси

1-гурух

(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	


2-гурух

(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

3-гурух

(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан 2010 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этиб, мазкур саммитда нутқ сўзлади.



30

ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН



31

Халқаро муаммоларни ҳал қилишга янгича – замонавий ёндашувнинг асосий хусусиятлари

- 1 • умуминсоний манфаатларнинг устуворлиги
- 2 • экологик тафаккур
- 3 • сиёсий муаммоларни томонлар манфаатини ҳисобга олган ҳолда, фақат сиёсий воситалар орқали ҳал қилиш
- 4 • ишонч – мулоқотнинг асосий шакли экани
- 5 • умумий хавфсизлик муҳитини яратиш

32


Афғонистон моjarосини ҳал этиш бўйича Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари

- | | |
|-------------------------|---|
| 1993, 1995, 1999 йиллар | • БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари ва ЕХХТ Истанбул саммитида Президентимиз И.Каримов томонидан афғон моjarоларини тинч йўл билан ҳал қилиш масалалари илгари сурилди |
| 1997 йил | • Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан БМТ котибиятида “6+2” гуруҳи ташкил этилди |
| 1997 йил
16 октябрь | • Нью-Йоркда “6+2” мулоқот гуруҳининг биринчи учрашуви бўлди |
| 1999 йил
19-20 июль | • “6+2” мулоқот гуруҳининг навбатдаги Тошкент анжуманида “Афғонистондаги моjarони тинч йўл билан бартараф этиш таъйинлари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси имзоланди |
| 2008 йил 3
апрель | • Президентимиз И.Каримов Бухарестда НАТО/СЕАП саммитида Афғонистон моjarосини ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар киритди. |
| 2008 йил
август | • Президентимиз И.Каримов ШХТ саммити доирасидаги маърузасида Афғонистон моjarосини ҳал этиш масаласи яна бир бор таъкидлаб ўтилди |
| 2009 йил
15-16 июнь | • ШХТнинг Екатеринбург саммитида Президентимиз И.Каримов томонидан “6+3” гуруҳини тузиш ғояси илгари сурилди |

37


«Каскад» техникаси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради: Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.



“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.



“Кооп-кооп (Биргаликда ўқиймиз)» техникасини ўтказиш қондаси

Иш бос.	Фаолият	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи.
1.	3 ва 5 кишидан иборат кичик гуруҳларни ташкил қилади.	Гуруҳга бўлинади.
2.	Ҳар бир гуруҳга мавзунинг бир бўлаги бўлиб ҳисобланган бир хил топшириқлар беради. Топшириқни бажариш учун йўриқномалар беради.	Гуруҳ аъзолари ўзаро топшириқ-ларни бўлиб олишади.
3.	Топшириқни муваффақиятли бажарилишини назорат қилади.	3.1. Ҳамма мустақил топшириқни бажаради, мавзулар бўйича мус-тақил ишлайди. 3.2. Гуруҳ аъзоларининг мини-маърузаларини тинглайди. Умумий маъруза тайёрланади. Маърузани ўқиш учун спикер тайинланади.
4.	Гуруҳларда иш якунларини чиқарилишини сўрайди ва тақдимотни ўтказилади.	Гуруҳ спикери маърузанинг тақдимотини ўтказилади.
5.	Натижаларни таҳлил қилади ва баҳолайди, ғолиб гуруҳларни аниқлайди,	Тинглайди.

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

Ҳар бир семинар ва амалий машғулот учун 0,5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

2,0 балл - «аъло»

1,5 балл - «яхши»

1,0 балл - «қониқарли»

0,5 балл - «қониқарсиз»

1-гуруҳ

Терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари

2- гуруҳ

Минтақадаги глобал муаммоли вазиятлар.

3- гуруҳ

Президент И.А.Каримов асарларида терроризм мақсади, моҳият ва уни олдини олиш концепцияси.

4-гуруҳ

Халқаро терроризмга қарши курашда маънавиятнинг ўрни

Мавзу юзасидан тахминий саволлар:

1. Халқаро терроризмнинг мазмуни ва моҳияти?
2. Терроризмнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар?
3. Диний экстремизм ва фундаментализм тушунчаларининг мазмун, моҳияти?
4. Президент И.А.Каримовнинг 48-52 саммитларидаги маърузасининг мазмуни ва моҳияти?
5. Диний экстремизмнинг жамият ҳаётига таҳдиди?
6. ШХТ нинг минтақада хавфсизлик масаласидаги келишувлар

Хулоса

Тадқиқот олиб бориш ва йиғилган материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида қўйидаги асосий хулосалар қилинди:

- Халқаро терроризм—ғараз, сиёсий, экстремистик, диний ва бошқа мақсадларда содир этиладиган, аҳолини қўрқитиш, унга жисмоний ва руҳий талофотлар етказиш, турли мулк шакллариغا зарар етказиш, шунингдек антитеррористик универсал конвенцияларда “жиноят” деб топилган ҳаракатларни амалга ошириш юқорида назарда тутилган ҳаракатларни содир этиш таҳдида ифодаланган халқаро тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган халқаро жиноятдир.
- Жамиятимиздаги бу жараёни атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқелигимиз билан чамбарчас ўрганиш, таҳлил этиш зарурдир. Бу зарурат мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг: «Пировард мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»⁷² деб таъкидлаган умумстратегик вазифани амалга ошириш билан боғлиқдир.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ишлари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Минтақадаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни бартараф этиш борасида юртбошимиз И.А.Каримовнинг бир қатор ташаббуслари дунё оммасини ўзига жалб этди. Яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор Саммитларида сўзлаган нутқларига асосланиб минтақамиздаги вазиятни енгиллаштириш ва барқарорлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигига қаратилган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли минтақага айлантириш йўлидаги чора-

⁷² Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

тадбирлари бугунги кунда Ўзбекистон халқини Марказий Осиё минтақасининг келажагига бефарқ эмаслигидан далолат беради. Ядро куроллари ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун дунёни ларзага солувчи оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Президентимизнинг ташаббуслари билан Марказий Осиёни ядро куролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш борасидаги фикрлари ва ташаббуслари минтақамизнинг ривожига учун катта аҳамиятга эга. Чунки минтақадаги тинчлик минтақадаги барча мамлакатларнинг мустақиллигини таъминлаш ва юксалишининг асосий омили эканлиги эътироф этишим зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, “Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган **“Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари”** деган тамойилни ўзида ифода этади”¹.

- Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, минтақавий можаролар сиёсий ечими энг мураккаб жараёнлар тоифасига киради. Маълумки, сарф-харажат ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи-назаридан энг қулай ва самарали йўл сиёсий яъни музокаралар йўли билан ечимга боришдир. Ундан ҳам афзалроғи можароли вазиятнинг бевосита таҳдидга айланишидан илгари унинг олдини олишдир.
- Террористик оқимларининг ғоявий таъсирини бартараф этиш, аҳолининг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, унда ғоявий иммунитетни янада мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли ўртасида ҳуқуқий, маънавий-маърифий тарғиботни тизим асосида ўтказиш. Шунинг учун ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳар биримизнинг терроризм моҳиятини англаган ҳолда сергак ва огоҳ бўлишимиз, ҳар қандай таҳдидга қарши бўлишимиз, ҳар қандай таҳдидга қарши курашга тайёр бўлмоғимиз даркор. Тинчлик учун курашмоқ керак.

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 39 б.

Ўзбек	Рус	Француз
-------	-----	---------

Битирув малакавий ишида фойдаланилган сўз ва иборалар луғати

Терроризм	Терроризм	Terrorism
Анъана	Тадиция	cutume
Дин	Релегия	Religion
Давлат	Страна	Gouvernement
Афғонистон	Афганистан	Afghanistan
Портламоқ	Взрываться	Burst
Билим	Знание	Knowledge
Илмий изланиш	Научное исследование	Leducation seientifique
Мустақиллик	Независимости	Independance
Маънавият	Мараль	Morale
Маданият	Култура	Culture
Ғоя	Идея	Idee
тушунмоқ	понимать	understant
Сиёсат	Политика	Politice
Сиёсий марказ	Политические центр	le centre politice
Тадқиқот	Неледвине	Explorionce
Технология	Технология	Technology
Конференция	Конференция	Conference
Урф-одат	Традиция	Tradition
Фан	Наука	la science
Фикр	Мнение	la pensee
Муаммоли вазият	Спорный момент	Disputable point
Таҳлил	Анализ	Analys
Муаллиф	Автор	Author

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов.И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т.9.-Т.: Ўзбекистон.2001
2. Каримов. И.А. Туркистон умумий уйимиз. Т. “Ўзбекистон”. 1995. С-15.

3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 13-жилд.—Т.: Ўзбекистон. 2004.
4. Каримов И.А. Терроризм хавфи тўғрисида. Тузувчи муаллифлар: Қобилов Ш.Р, Таджихонов Б.У. Т.: Ўзбекистон ИИВ Академияси, 2002, С-97.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент — «Маънавият» — 2008. С-115.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, 239-259 с;
8. Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: Ўзбекистон. 2001 й
9. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998,
10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992
11. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура. — Т.: «Ўзбекистон». 1-жилд, 1996.
12. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т4-Т. Ўзбекистон. 1996. с 56-60;
13. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. 47-57 с;
14. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
15. И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи.
16. Каримов И.А.. БМТ БА нинг 48- сессияси материаллари. "Марказий Осиё—хавфсизлик ва ҳамкорлик йўлида тўплами". 1995й
17. Президент И.А.Каримовнинг БМТ саммити минг йиллик ривожланиш масалаларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи. 2010 йил 22 сентябрь.
18. Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. БМТ нинг эллик йиллик муносабати билан Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқи. 1995 йил 24 октябрь
19. Алимов Р.М. Центральная Азия: общенность интересов. Т. Шарқ. 2005. 464 с.
20. Арифханов Ш.Р. Центральное Азия: региональная интеграция и безопасность. Т. 2007, 168 стр
21. Сафаров С. Марказий Осиё кечаётган геосиёсий жараёнлар ва минтақанинг ҳозирги дунё халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни. // халқаро муносабатлар – 2005 -№3. С-6.
22. Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.: "Академия". 2006.с-160.
23. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши Т.2000.
24. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид» Т. «Маънавият»-2000.
25. Мурторов А. Халқимизнинг Ҳамжихатлиги терроризмга қарши кафолатдир». -Т.: «Янги аср авлоди» 2004.
26. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т.: «Ўзбекистон» 2004.
27. Миролимов М. Ўзбекистон халқи Каримовни нега Президент этиб сайлади. Халқ сўзи. 2000.-18-январь.
28. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.-Т.: Тошкент ислом университети. 2005.С-79
29. Ляхов. Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. М.: Международные отношения, 1991.- Стр-13.
30. Ожегов С.И. Словарь русского языка, М.: Русский язык. 1986.—Стр-691.
31. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: Русский язык. 1981. 2-жилд.—С. 465.
32. Трайнин А.Н. Защита мира и борьба с преступлениями против человечества. М.: 1956. Стр—156.
33. Карпец И.И. Преступления международного характера. М.: 1979. Стр—64-98.
34. Мажарян Л.А. Терроризм: правда и вымысел. М.: 1983. Стр—28.
35. Ядерный контроль. №32-33. 1997 год.
36. Сашми Али. Конференция «6+2» в Ташкенте. Амударья. 1999 №3 стр 147
37. Тошкент окшоми. 2010 йил 14 декабрь.
38. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 9 январь.
39. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- 2001. - № 1-2. С-1496
40. "Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида"ги Шанхай Конвенцияси. 2001 йил 15-июн.